ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00422

ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИГА ҲУҚУҚИЙ ВА ПЕДАГОГИК ТАЛҚИНДА ЁНДАШУВ

А. Я. Маматқулов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
a.mamatqulov@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Ўсмирлар тарбиясига ҳуқуқий талқинда ёндашув мавзусига бағишланган: шунингдек, мақола матнида Ўсмирлар тарбиясига ҳуқуқий талқинда ёндашув структураси, уни таъминловчи ҳуқуқий асослар, тарбияси қийин ўсмирларни таҳлил этишга доир ёндошувлар, шахснинг одоб-аҳлоқ нормаларидан тизм ўртасидаги алоқадорлик жиҳатлари каби масалалар ҳам кенг ёритилган.

Калит сўзлар: ёш авлод, оила мактаб жамоатчилик, ўсмир, комплекс ўқувчилар, девиант хулқ-атвор эмоционал интеллект, ёш таълим, девиация, эҳтиёж, қизиқиш, эмпатция, шахслараро муносабат, ўқишлар, ўқув тарбия фаолияти хиссий эзгулик, эмоция, эмоционал холатлар.

LEGAL AND PEDAGOGICAL APPROACH TO TEENAGER EDUCATION

A. Y. Mamatkulov
Teacher of the Department of Social Sciences, CSPI
a.mamatqulov@cspi.uz

ABSTRACT

This article is devoted to the legal approach to the upbringing of adolescents: the structure of the approach to the legal interpretation of the upbringing of adolescents, the legal framework that provides it, approaches to the analysis of adolescents with difficult upbringing, the system of moral norms issues such as the interrelationships between

Keywords: young generation, family school community, .adolescents, complex students, deviant behavior emotional intelligence, age, education, deviation, need, interest, empathy, interpersonal relationships, hugs, educational activities emotional sensitivity, emotion, emotional states.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00422

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Давлат дастурларида таъкидлаб ўтилганидек ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда фақат оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорликда ёндошиб иш олиб борган тақдирдагина самарадорликни таъминлаш мумкин. Бу талаб табиийки, девиант ҳулқли ўқувчилар, ўсмирлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларга ҳам тамомила таъллуқлидир. Жамият аъзолари томонидан тан олинган умумий одоб-аҳлоқ нормаларидан четга чиққан, чийлашган, ўз ҳулқ-атворидан ва ўқув фаолиятларида бундай нормаларга риоя қилмайдиган ўсмирларни ўқитиш ва соҳасида олиб бориладиган индивидуал ишлар оила, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий фаолияти билан комплекс тарзда бирга олиб борилган тақдирдагина максимал даражада муваффақиятини таъминлаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хўш, девиант (оғиш) ҳулқли ўсмирларнинг ҳуқуқий ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Бу ўсмирларни ҳуқуқий тарбиялаш шакллари, усулларини ҳамда воситаларини тўғри танлай билиш ва қўллашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш дарсларида ўқувчилар, ўсмирлар фаолиятини янада фаоллаштириш улар эгаллайдиган билимларнинг моҳияти ва амалий аҳамиятини ҳар бир ўқувчи, ўсмир томонидан теран англаб олишни таъмин этиш: ўқувчи, ўсмирларни ҳуқуқий руҳда синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда қатнашишга максимал жалб этиш; тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда ўқувчи, ўсмирлар иштирокини тўла таъминлашдан иборат.

Девиант ўсмирларнинг характерида ёлғончи, икки юзламачи, ўз шахсига беэътиборлик, мақтанчоқ, ўзига бино қўйган, қўпол, серзарда, ўзидан кичик болаларга нисбатан қўрс муомала каби салбий иллатларни кузатиш мумкин. Ўсмирлар характеридаги бундай оғишлар (бу энди болаликдаги шўхлик эмас) ни тузатиш учун уларни қизиқтирадиган ўйин, ўқиш ва ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятларига жалб қилиш керак, улар ана шу фаолиятлар жараёнида девиантлилик иллатларидан қутилиб, инсоний сифат ва фазилатлар эгаси бўлсинлар.

Ўсмирларни тарбиялаш муаммосига доир олиб бориладиган тадқиқотлар, тажрибалар асосида шу нарса аниқланганки, улардаги муайян оғиш, бузилиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00422

турларини бартараф қилган ҳолда ижтимоий меъёрларни бажарадиган баркамол шахслар қилиб тарбиялаш мумкин.

Девиант хулқ атворли ўсмирларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларидаги қийинчиликлар албатта турли сабабларга боғлиқ. Бундай сабаблардан бири ўсмирларга таъсир кўрсатиш тадбирларининг мазмуни ва методлари уларнинг индувидуал хусусиятларга мувофиқ келмаслигидир. Шу нуқтаи назардан қараганда ота-оналар, ўқитувчилар, мураббийлар қўллайдиган усуллар ўсмирлар (уларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, ҳиссий-иродавий ҳолатлари, руҳий жараёнлари ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда моҳирона ёндошиш комплекси) га нисбатан таъсир кўрсата оладиган қудратга эга бўлиши керак. Ўсмирлар хулқидаги девантлиликка эмас балки, ўша оғишларни келтириб чиқарадиган сабабларга қарши курашмоқ зарур. Хўш, ўсмир нима учун билимларни қабул қилиб олишга тайёр эмас? Педагогик-психологик тўғридек туюлган шаклий ва услубий тарбиявий таъсир кўрсатиш нима учун кутилган натижани бермайди? Ўсмир нима учун белгиланган тартиб қоидани бузади? Шу сингари кўпгина саволларга жавоб топилгандагина тўғри йўналишни танлаб олиш ва таъсир кўрсатишнинг энг самарадорли методларини ишлаб чиқиш ва улардан тўғри фойдаланиш керак. Маълумки, инсон шахси ғоят мураккаб психологик тизим бўлиб, у тезда ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиб турадиган таркибий қисмлардан иборат. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси эътиборга лойиқ, ўсмирларнинг шу хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг хулқ атворига, фаолиятига кучли сезиларли таъсир кўрсатиб, бу ҳаракатларни келтириб чиқарган сабабларни топиш керак. Сўнгра ўша сабабларни, нўқсонларни бартараф этиш, коррекциялаш зарур. Дарвоқе, девиант хулқли ўсмирлар борлиги рост, лекин тарбияланмайдиган, тўғри йўлни танламайдиган, тузалмайдиган ўсмир йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бундай ўсмирлар ўзларининг тўғри йўлини топади, эзгулик, яхшилик жабҳасида фаолият кўрсатаётган фуқароларимиз сафидан ўрин олади. Девиант хулқли ўсмирларга қуйидагича ижтимоий ёрдам кўрсатишимиз зарур.

1. Мактаб, лицей, техникумларда ҳамда касб-ҳунар коллежларида билим олаётган ўқувчиларнинг ўсмирларнинг контенгентини ўрганиб чиқиш, девиант хулқли ўсмирларни аниқлаш, улар билан олиб бориладиган ўқув тарбия ишларини ўлаштириш.

МУҲОКАМА

Ишнинг мақсади: Девиант хулқли ўсмирларни тарбиялаш ҳамда қайта тарбиялаш учун фойдаланиш мумкин бўлган фазилат (метод) ларни ўрганиш,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00422

улар шахсидаги ижобий ва салбий жиҳатлари-майллари, ниятлари ҳамда қийинчиликларини аниқлаш, индувидуал ишларини режалаштириш, оила билан мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежларининг ўзаро алоқасини ва ўзаро бирга иш олиб боришини таъминловчи ўзини оқлаган ягона иш шаклидан фойдаланиш. Иккинчидан ҳар бир оилага самимий, холисона муносабатда бўлиш энг аввало унга ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилиш лозим, шундан кейингина башарти оила ишга тўсқинлик қиладиган бўлса, биз қуйида тўхталиб ўтган бошқачароқ харакатдаги чораларни қўллаш керак бўлади. Учинчидан, Ўзбекистон Конституциясига асосланиб, ўқув муассасаларида, оилаларда болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш уларни талабчанлик, меҳрибонлик билан баркамол кишилар қилиб тарбиялашни талаб қилиш керак. Тўртинчидан, ўсмир касб-ҳунар коллежига қабул қилинган куниданоқ ўқишини битиргунга қадар унинг оиласини ўрганиш, ундаги аҳволни ҳар томонлама билиб олиб, ота-оналар билан ишончли дўстона муносабатларда бўлиш лозим. Оила билан олиб бориладиган ишларнинг асосий шакли ва методлари уларнинг мақсадига қараб қуйидагича режалаштирилиши мумкин. Ота-оналарга педагогик билим бериш, мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари ҳаётига фаол иштирок эттириш, ўқувчилар, ўсмирларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи тадбирларни мувофиқлаштириш; ўз болалари тарбияси билан шуғулланишдан бош тортган ёки уларга салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарга нисбатан жамоатчилик, маъмурий қонунчиликни тадбиқ этиш йўли билан чора кўриш.

Аслини олганда дарслардан ташқарида ўсмирлар ҳеч қандай ташкилий равишда ижобий тарбиявий таъсирга дуч келмаган бўладилар. Шунинг учун тарбиявий тадбирлар таъсирлар қуйидаги йўналишда бўлмоғи керак; ўқувчи ўсмирларнинг кундалик режими тўғрисида, унинг моддий ва манавий таълимоти тўғрисида, саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур, чекиш, гиёҳвандлик, спиртли ичимликлар ичиш, жинсий масалаларга ортиқ даражада қизиқиши сингари ярамас одатларга қарши кураш олиб бориш алоҳида эътиборни талаб қилади; ўқувчилар, ўсмирларнинг бўш вақтларини турли туман ижтимоий фойдали меҳнат билан ўтказишларига жалб қилиш зарур.

НАТИЖА

Ишнинг шакли ва методлари: мактаб, лицей, техникумларда ҳамда касб-ҳунар коллежларидан олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш, ўқитувчилар, ота-оналар билан суҳбатлашиши зарур бўлиб қолган тақдирда, ҳолларда вояга етмаган болалар билан ишлаш инспекцияларидан ахборотлар олиш; ўқувчилар,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00422

ўсмирлар билан суҳбатлар ўтказиш уларга анкета-сўровномалар тарқатиб тўлдириш; ўқувчилар, ўсмирлар дарс машғулотлари, амалий ишлар пайтида ва бўш вақтларида турли шароитларда уларнинг хулқ – атворини ўрганиш.

ХУЛОСА

Бажарувчилар: ота-оналар, ўқитувчилар, мураббийлар, маҳалла оқсоқоллари, участка нозирлари. Шунингдек ўсмирларни танийдиган барча шахс (маҳалладош) лар бугунги кунда дастлабки устивор масалалардан бири эканлигини шу жонажон ватанимизга ситқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг олдимизда турган маъсулиятли вазифани чин юракдан хис этиб яшашимизни бугуннинг ўзи талаб қилмоқда.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2018 йил
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”
3. В.Казанская. «Подросток. Трудности взросления». Учеб.пос. 2008
4. K.Raximova, A.Abdullaeva «Tarbiyasi kiyin usmirlar psixologiyasi». O‘quv qo‘llanma. 2007
5. Волкова Е.Н., Балашова Т.Н., «Зашита детей от жестого образования». 2007
6. Корнилова Н. «Подростки группа риска». 2005
7. Хадиров Г.П. «Введение в современний девиантологии». 2001